

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ҚАҲҲОРОВ ЎКТАМ АБДУРАХИМОВИЧ

**ПОЙМАДАГИ КЎНДАЛАНГ ДАМБАЛАР БИЛАН СИММЕТРИК
СИҚИЛГАН ОҚИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович
Поймадаги кўндаланг дамбалар билан симметрик сиқилган оқим
конуниятлари.....3

Каххоров Уктам Абдурахимович
Закономерности двухстороннего симметричного стеснения пойменных
потоков поперечными глухими дамбами.....21

Kahhorov Uktam Abdurahimovich
Patterns of bilateral symmetric obstruction of floodplain flow by transverse blank
dikes39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....44

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ҚАҲҲОРОВ ЎКТАМ АБДУРАХИМОВИЧ

**ПОЙМАДАГИ КЎНДАЛАНГ ДАМБАЛАР БИЛАН СИММЕТРИК
СИҚИЛГАН ОҚИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий атестация комиссиясида В2017.4.PhD/Т.535 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиев Машариф Рузметович
техника фанлари доктори, профессор,
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат
кўрсатган фан арбоби

Расмий оппонентлар:

Махмудов Эрназар Жумаевич
техника фанлари доктори, профессор

Давранов Гуламжан Турабович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот

**Тошкент архитектура-қурилиш
институти (ТАҚИ)**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «_____» _____ 2018 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, тел.: (+99871)-237-22-67; 237-22-09, факс: (99871)-237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий, 39, тел.: (+99871)-237-22-67).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А. Янгиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

О.Я.Гловацкий

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда поймадаги ва ўзандаги оқимнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда кўндаланг дамбаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш усуллари ҳамда технологияларини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу жихатдан, дарё қирғоқларини ювилишдан ҳимоя қилиш ва ўзанини ростлаш учун ўзандаги ва поймадаги оқимнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда поймада жойлашган кўндаланг дамбаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш усуллари ҳамда технологияларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада кўпгина ривожланган давлатларда, жумладан АҚШ, Англия, Франция, Россия ва бошқа давлатларда кўндаланг дамбалар ёрдамида оқимни икки томонлама сиқишда ўзан ва поймадаги тошқин сувларининг ҳаракати, оқимнинг кинематик ва динамик ўзаро таъсири, ғадир будурлиги, мураккаб морфологиясини инобатга олиб дарё қирғоқларини ювилишдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда поймадаги кўндаланг дамбалар билан оқимни икки томонлама сиқишнинг илмий асосланган ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан поймадаги танасидан сув ўтказмас дамбалар билан оқимни икки томонлама симметрик сиқиш тартиботларини очиб бериш технологияларини ишлаб чиқиш, сиқилган кесимда ва ёйилиш зонасида оқимнинг гидравлик параметрларини аниқлаш, юза бўйича сиқилиш коэффицентини, димланиш, сиқилиш ва ёйилиш зоналарининг узунликларини, тезлик майдонини ҳисоблаш усуллари такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамызда дарё қирғоқларини ювилишдан ҳимоя қилиш, дарё қирғоқларига яқин жойлашган экин майдонларини сув босишидан асраш, мавжуд ер ресурслари, жумладан пойма (қайир)даги ерлардан самарали фойдаланишда кўндаланг дамбаларни ҳисоблаш усуллари ва технологияларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан икки томонлама кенг поймали дарёлар қирғоқларини ювилишдан ҳимоя қилишда поймадаги танасидан сув ўтказмас кўндаланг дамбалар билан симметрик сиқилган оқим параметрларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш услубларини такомиллаштиришни амалга ошириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш»¹ таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, дарё ўзанини ростлаш, дарё қирғоқларини ювилишдан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 фералдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

асраш ва поймадаги ерлардан унумли фойдаланиш учун кенг поймали дарёларда икки томонлама симметрик сиқилган оқим параметрларини ҳисоблаш, лойиҳалаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (1999), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПКҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 13-сон «2014-2015 йилларда ва 2020 йилгача бўлган сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Табиатдан самарали фойдаланиш ва экология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дала ва тажриба тадқиқотларининг маълумотлари асосида, поймали ўзанларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини инобатга олган ҳолда ҳисоблашнинг илмий –техник асосларини Железняков Г.В., Барышников Н.Б., Спицын И.П., Саликов В.Г., Rajaratnam N., Ahmadi R., Пагин А.О., Селина Т.С., Myers W.R., Brennan E.K. (Ирландия), Wormleaten P.R., Merrett D.J., Knight D.W., Shiono K., Elliot S.C.A., Sellin R.H. (Англия) ва бошқа олимлар илмий ишларида ўрганилган ҳамда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Поймали дарёларда кўндаланг тўсувчи иншоотлар (дамбалар, шпоралар, кўприк кўтармалари)ни лойиҳалаш ва қуришнинг умумметодологик асосларини яратиш бўйича Латышенков А.М., Алтуниев С.Т. и Бузунов И.А., Андреев О.В., Лебедев И.В., Леви И.И., Ротенбург И.С., Срибний М.Ф., Румянцев И.С., Данелия Н.Ф., Селезнев В.М., Рахманов А.Н., Руря Г.Б., Sayed-Abdul-Hamid-Sajjadil, Hamid Sarkardehi (Иран), Prust S., Riviere N. Morel R. (Франция), Hojat Karami, Masjedi A. (Иран), Roger A.Kuhnle, Mary Yaeger, Jenifer G.Duan (США), Михалев М.А., Мухамедов А.М., Ишаев Ф.Ш., Базаров Д.Р., Бакиев М.Р. каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бугунги кунда поймадаги икки томонлама кўндаланг дамбалар билан симметрик сиқилган оқим параметрларини аниқлаш ва ҳисоблаш масалалари тўла ечилмаган. Иккитомонлама кенг поймали дарёларда ўзан ва пойманинг ўзаро таъсир зонасида тезликнинг тақсимланиши, ўзан ва пойманинг ҳар хил ғадир-будурлиги, сиқилган оқимнинг пландаги ўлчамлари ва шунга мос

равишда иншоот жойлаштирилиши, поймадаги танасидан сув ўтказмас дамбалар билан симметрик сиқилган оқимнинг сиқилиш ва ёйилиш зоналарида тезлик майдонини ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 2.8-сон «Гидротехника иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш, ҳисоблаш, лойиҳалаштириш хавфсизлигини таъминлаш асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2015, 2016-2020), 4.1/2015, 4.2/2015-сон «Амударёнинг Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткул, Элликқалъа, Беруний туманлари ва Хоразм вилоятининг Хонқа, Боғот, Урганч туманлари ҳудудларида ўнг ва чап қирғоқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2015), 16/2017-сон «Амударёнинг Туябўйин-Қипчоқ ҳудудида ўзани икки томонлама ростлаш бош план-схемасини ишлаб чиқиш» (2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзан ва пойманинг ҳар хил ғадир-будурлилиги, ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини инобатга олган ҳолда поймада симметрик жойлашган иккитомонлама кўндаланг дамбаларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

икки томонлама поймали дарёларда ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини баҳолаш;

икки томонлама поймали дарёлар шароитида оқимнинг сиқилиш ҳудуди узунлигини, юза бўйича сиқилиш коэффициентини, димланишни, юқори бьефдаги уярма зонасининг узунлигини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

поймадаги танасидан сув ўтказмас кўндаланг дамбалар билан симметрик сиқилган кесимда оқимнинг ўзандаги ва поймадаги тезликларининг қайта тақсимланишини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

икки томонлама симметрик сиқилган оқимнинг сиқилиш зонасидаги тезлик майдонини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

турбулент оқим назариясининг асосий тамойилларидан фойдаланиб, поймалар ғадир-будурлиги бир хил бўлган ҳолат учун сиқилган кесимдан кейинги оқимнинг ёйилиши тартиботларини ишлаб чиқиш;

ғадир-будурлиги ҳар хил бўлган поймаларда ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ёйилиш зонасидаги оқим параметрларини ҳамда пландаги ўлчамларини ҳисоблашнинг назарий асосланган усулини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳамда уларнинг ирмоқларидаги ўзан ростлаш ва ҳимоялаш иншоотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети икки томонлама поймали дарёлар, оқимни икки томонлама симметрик сиқувчи кўндаланг дамбалар, дамбаларнинг ўрнатилиш бурчаги, сиқилиш коэффициенти, оқимнинг қайта шаклланишини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида турбулент оқим назариясининг тамойилларидан, экспериментал, назарий, график ва аналитик усуллардан ҳамда гидравлик тадқиқотларни моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

поймадаги оқимни икки томонлама танасидан сув ўтказмас кўндаланг дамбалар билан сиқилган ҳолати учун юқори уярма зоналар узунлигини, юза бўйича сиқилиш коэффициентини, димланишни ҳисоблаш усуллари ўзан ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

поймадаги дамбалар билан симметрик сиқилган кесимдаги тезликни ҳисоблаш усули дамбанинг ўрнатилиш бурчаги ва сарф бўйича сиқилиш коэффициентини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

поймадаги танасидан сув ўтказмас кўндаланг дамбалар билан симметрик сиқилган оқимнинг сиқилиш зонасидаги тезлик майдонини ҳисоблаш усули тезликларни нотекис тақсимланишини, бўйлама ва кўндаланг сатҳ ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

сиқилган кесимдан кейин оқимнинг ёйилиш тартиботлари, уярма зонасининг узунлигини ҳисоблаш ўзан ҳамда пойманинг бир хил ва ҳар хил ғадир-будурликларини, ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

поймадаги икки томонлама кўндаланг дамбалар билан симметрик сиқилган кесимда оқим параметрларини ҳисоблаш усули дамбани ўрнатилиш бурчаги ва сарф бўйича сиқилиш коэффициентини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

ўзан ҳамда пойманинг ҳар хил ғадир-будурлилиги ва оқимларнинг ўзаро таъсирини инобатга олган ҳолда уярма зонасининг узунликларини аниқлаш боғлиқликлари ишлаб чиқилган;

димланиш, сиқилиш ва ёйилиш зоналарининг пландаги ўлчамларини шаклланиши тартиботларидан келиб чиққан ҳолда дамбалар оралиғини тўғри белгилаш орқали дарё қирғоқларини ювилишдан ҳимоя қилиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги умумий қабул қилинган тадқиқот услублари ва математик статистика усулларидан фойдаланилганлиги, экспериментал ва назарий ҳисоблашлардаги боғлиқликларни қиёсий солиштирилганида бир- бирига яқинлиги, ушбу тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мослиқлар ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти поймадаги кўндаланг дамбалар билан симметрик сиқилган оқимни назарий асосланган ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқилганлиги ва бу орқали ростлаш иншоотларига

оқимни таъсири ҳамда оқимни таркибий ўзанларда оқиш назарияларига кўшган ҳиссаси билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти симметрик поймадаги кўндаланг дамбаларни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқилганлиги, поймадаги кўндаланг дамбаларни лойиҳалашда ювилиш зонаси чегараларини, дамба бошидаги максимал чуқурликни ва дамбалар оралиғидаги масофани тўғри белгилаш имкониятларини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Поймадаги танасидан сув ўтказмас кўндаланг дамбалар билан иккитомонлама симметрик сиқилган оқимни ҳисоблаш усулларида олинган натижалар асосида:

икки томонлама поймали дарёларда ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсири зонасида тезлик тақсимланиши, сиқилган кесимдаги тезликни ҳисоблаш усули, сиқилган кесимдан кейинги оқимнинг ёйилиши тартиботлари, ювилиш зонаси чегараларини белгилаш ва дамба бошидаги максимал чуқурликни ҳисоблаш усуллари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига қирувчи Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Қарамази-Қиличбай” ирригация тизимлари бошқармасида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 16 декабрдаги 02/23-635/1-сон маълумотномаси). Натижада сиқилган кесимда ва ёйилиш зоналарида туб ва қирғоқ ювилишларини олдини олиш имкони яратилган.

ўзан ҳамда пойманинг ҳар хил ғадир-будурлилиги ва оқимларнинг ўзаро таъсирини инобатга олган ҳолда уярма зонасининг узунликларини ва дамбалар оралиғидаги масофани тўғри белгилаш усуллари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига қирувчи «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмасига қарашли «Қирғоқларни ҳимоялаш дамбалари ва ўзанларни тартибга солиш иншоотлари бошқармаси»да жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 16 декабрдаги 02/23-635/1-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида дарё қирғоқларидаги оқимни асосий ўзанга бошқариш ва поймадаги экин майдонларини сув босишидан ҳимоя қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий атестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва жаҳонда долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ростлаш иншоотларининг ҳамда ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини ўрганишга оид ўтказилган тадқиқотлар шарҳи»**да ростлаш иншоотларининг ҳамда ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсирини ўрганишга оид адабиётлар шарҳи келтирилган.

Сув сатҳи кўтарилиб поймага чиқиши натижасида, поймадаги сув оқими тезлиги ошиб, ўзандаги тезлиги эса камайиши ўтказилган тадқиқот ишларида аниқланган. Ўзаро таъсир зонасида бурама оқимнинг шаклланишида кўп микдордаги энергиянинг сарфланиши ўзанининг ўтказувчанлик қобилиятини камайишига ва тезлик майдонининг ўзгаришига олиб келади. Ўзандаги ва поймадаги оқимларнинг ўзаро таъсири таснифи таклиф қилиниб, ўзандаги нисбий тезликни аниқлаш учун график ва аналитик боғлиқликлар олинган. Ўзан ва пойма оқимлари ўзаро таъсири ўзан туби бўйлаб судралиб ҳаракатланувчи оқизиклар ҳаракатига таъсири асосланган. Бир томонлама пойма мавжуд бўлган ҳолат учун тезлик майдонининг тақсимланиши умумийлиги асосланган.

Чет эл тадқиқотчиларининг асосий эътибори ўзаро таъсир зонасида турбулент кучланишларни тақсимланишига қаратилган бўлиб, уни эътиборга олмаслик таркибли кесимларни ҳисоблашда сезиларли хатоларни келтириб чиқаришини эътироф этишган. Хусусан, ўтказувчанлик қобилияти 7% дан 48%, сатҳ ўзгариши 4% дан 20%гача, Фруд и Вебер сонлари ортиши 20% ва 145% ни поймада тезлик ошиши ҳисобига ўзгариши қайд этилган.

Кўплаб муаллифлар оқим ва ростлаш иншоотлари ўзаро таъсирини ўрганишда асосан тўғри тўртбурчак ўзанли схемалар қабул қилишган. Сўнги даврларда поймали дарёлар ўзанларида кўндаланг вазиятда қурилган дамбалар(кўприк кўтармалари)ни тадқиқот қилишга қаратилмоқда. Деформацияланган оқимнинг пландаги ўлчамларини, тезлик майдонларини, ювилиш чуқурликларини ва бошқа параметрларини аниқлаш масалалари ҳам амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Таҳлил натижаларига кўра тадқиқотлар асосан бир томонлама поймали дарёларда ўзан ва поймадаги оқимнинг ўзаро таъсирини ўрганишга қаратилганлигини кўрсатди. Юқоридаги хулосаларга асосланиб, диссертация ишининг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертация ишининг иккинчи боби **«Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқотнинг асосий вазифалари. Экспериментал қурилма, ўлчов**

асбоблари ва тадқиқот услуги» деб номланиб, биринчи бобдаги таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, муаммонинг қўйилиши ва тадқиқотнинг асосий вазифалари, экспериментал қурилма тавсифи, ўлчов асбоблари ва гидравлик тадқиқот услуги келтирилган.

Тадқиқотлар иккитомонлама поймали тўғри тўртбўрчак шаклидаги схемалаштирилган ўзанда динамик ўқлар параллеллиги шароитида ўтказилди. Ўзан кенлиги 30 см, пойма кенлиги 85 см, лоток(нов) узунлиги 11 м, лоток нишаблиги $i=0,00005$. Ўзан ғадир-будурлиги бўйича иккита серияда тажрибалар ўтказилди. Биринчи серия пойма ва ўзан ғадир-будурлиги бир хил $n=0,016$, иккинчи серия сунъий ғадир-будурлик $d=1,5\div 2,0$ мм қум орқали эришилган бўлиб чап поймада ғадир-будурлик коэффициенти $n_d=0,023$ га тенг қилиб олинди. Визуал ва инструментал тадқиқотни таъминлаш мақсадида лоток тубига 5х5 см ва 10х10см ўлчамли тўрлар чизилган. Деворлар устида сатҳ горизонталлиги таъминланган рельсда ҳаракатланувчи тележка ўрнатилган.

Тезликни ўлчашда ЦИСПВ-6 электрон датчикли САНИИРИ системасидаги микровертушкadan фойдаланилди. Бундан ташқари ўлчов ишларида пўкаклардан ва шпиценмасштаблардан фойдаланилди.

Экспериментал тадқиқотлар дамбанинг қуйидаги характеристикалари ва ўрнатилиш бурчакларида ўтказилди $\alpha_d=45\div 135^\circ$, сиқилиш даражаси сарф бўйича $\theta_q=Q_{\text{пер}}/Q=0,14\div 0,62$ (бу ерда $Q_{\text{пер}}$, Q – дамба билан тўсилган қисмдаги ва умумий сарф, $Q=5\div 25$ л/с). Ўзандаги табиий режимга мос келувчи Фруд сони $Fr_p=0,01\div 0,3$, поймада $Fr_{\text{п}}=0,01\div 0,18$. Турбулент режим поймада $Re_{\text{п}}>4000$, ўзанда $Re_{\text{п}}>10000$ яратилди. Планли масала шарти И.И.Леви тавсиясига асосан қабул қилинди $B/h>6$.

Тажрибаларда тезликлар ва оқимнинг йўналишлари ўрганилди. Ўзан ва пойма оқимлари ўзаро таъсир чегаралари, юқори ва қуйи сув айланма зоналари чегаралари, чуқурликни кўндаланг ва бўйлама фарқлари ўрганилган. Тезлик чуқурлик бўйича 3 нуктада ўлчанди, саёз чуқурлик ҳолатларида $0,6h$ нуктада ўлчанди. Вертикаллар ўртасидаги масофа зонани узунлигига боғлиқ ҳолда 2 - 10 см қилиб олинган. Сув сатҳи шпиценмасштаб ва нивелирлаш билан аниқланди. Юқори ва қуйи уюрма зона(минтақа)лар узунлиги пўкаклар ёрдамида ва бўёқлар юбориш билан, тезлик эпюрасидан ҳамда нов охирида ўрнатилган сув ўлчагич орқали сув сарфи аниқланди.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Танасидан сув ўтказмайдиган кўндаланг дамбалар билан симметрик сиқилган пойма оқимларини экспериментал тадқиқотлари натижалари**»да ўзан ва поймадаги оқимнинг ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари, сиқилиш ва димланиш зоналарида оқимнинг пландаги ўлчамларини аниқлаш, сиқилган кесимда оқимнинг гидравлик параметрларини ўрганишнинг экспериментал тадқиқотлари натижалари ва тезлик майдонини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган. Ўзан ва поймадаги оқимнинг ўзаро таъсири дамбалар симметрик жойлаштирилганда икки оқим чегараларида турли тезликлар мавжуд бўлиб массаларнинг жадал алмашуви рўй бериши, ўзан оқимининг секинлашиши ва поймадаги оқим қўшимча импульс олиб

тезлашиши, поймадаги оқимнинг тезлиги маълум кенгликда ошиши кузатилиши ва айрим характеристикаларни ўхшашлиги экспериментал тадқиқотлар натижаси билан асосланди.


Шлихтинг-Абрамович боғлиқликларига бўйсунувчи ўзан ва пойма оқимлари тезликлари майдони ўзаро таъсир зонасида универсаллиги тасдиқланди. Таъсир зонаси ўлчамлари профессор Бакиев М.Р. ва Абдулкарим С.Ш. тавсияларига асосан аниқланди.

Танасидан сув ўтказмайдиган дамбалар билан икки томонлама поймаларни симметрик сиқилганда ҳам, оқим айланиб оқишида сув уюрма зоналари, оқимнинг сиқилиши, ёйилиши, потенциал энергиянинг тикланиш зоналари шаклланади.

Юқори уюрма зоналар узунликлари, сиқилиш зонаси узунликлари ва гидравлик бир жинсли зоналар чегаралари М.Р.Бакиев ва Х.Ж.Хайитов томонидан бир томонлама поймалар учун ишлаб чиқилган тавсиялардан фойдаланиб аниқлаш мумкинлиги кўрсатилган. Бунда формулалардаги дамбалар оралиғини ўзлаштириш коэффициенти нолга тенг деб қабул қилиниши даркор.

Юқорида сўз юритилган илмий ишларда келтирилган ва биз томондан таклиф қилинаётган формулаларга сиқилган кесимдаги оқим параметрларига қуйидагилар киради: гидравлик бир жинсли зоналар чегаралари, поймадаги ва ўзандаги тезликлар, поймадаги дамбалар каллаги ёнидаги максимал тезликлар.

Мавжуд ечимлар сиқилган кесимдаги ўртача тезликка таяниб бажарилади, аммо ҳақиқий тезликлар $O-O$ кесимда ва сиқилиш зонасида нотекисдир (1-расм).



1-расм. –Танасидан сув ўтказмайдиган поймадаги кўндаланг дамбалар билан сиқилган оқимнинг димланиш ва сиқилиш зонасидаги схемаси

$O-O$ кесимда қуйидаги зоналарни кузатиш мумкин: ўзандаги кам таъсирланган ўзак, тезлиги U_{po} ; поймадаги кам таъсирланган ўзак, тезлиги U_{no} ; биринчи интенсив турбулент қоришув зонаси, нотекис таралган оқим тезлиги U_{lo} ; сиқилган кесимдан кейин шаклланадиган иккинчи интенсив турбулент қоришув зонаси, тезлиги U_{2x} .

Оқимнинг изланаётган гидравлик параметрларини аниқлаш мақсадида Г.Н.Абрамович тавсиясидан фойдаланиб, учта йўлдош оқимдан иборат фаразий оқим киритилди: кенглиги B_p ва тезлиги U_p , кенглиги B_ϕ ва тезлиги U_m , кенглиги $(B_1 - B_\phi)$ ва тезлиги U_n , фаразий кесим сиқилган кесимдан l_ϕ масофада жойлашади.

$\Phi-\Phi$ ва $O-O$ кесимлар оралиғидаги оқимнинг параметрлари ҳаракат миқдори ва сарфни сақланиш тенгламалари билан ўзаро боғланилди.

Интенсив турбулент аралашувнинг биринчи зонаси v_1 да тезлик тақсимланиши Шлихтинг-Абрамович назарий боғлиқликларига бўйсунishi аниқланди.

$$\frac{U_{1.o} - U_{no}}{U_{m.o} - U_{no}} = (1 - \eta^{1.5})^2 \quad (1)$$

бунда $\eta = \frac{Y_1 - Y}{Y_1 - Y_{5\phi}} = \frac{Y_1 - Y}{e_1}$; $U_{1.o}$ аниқланаётган нуқтанинг нисбий ординатаси.

Системани ечиш учун қулай шаклга келтиришда ўзан қисмидаги тезликни ошиш коэффициенти тўғрисидаги А.М.Латышенков таклифидан фойдаланилди:

$$\beta_p = 1 + \frac{\theta_q}{\tau} \cdot \frac{\omega_p}{\omega_p + \varepsilon_{np} \cdot \omega_n} \quad (2)$$

бунда $\tau = Q_p / Q$ - ўзанни нисбий сарфи;

ω_p, ω_n - кўндаланг дамбалар оралиғидаги ўзан ва пойма кесимлари юзалари;

$\varepsilon_{np} = (\omega_p + \omega'_n) / (\omega_p + \omega_n)$, бунда ω'_n - ўзан ва унинг сиқилган кесимидан ўтаётган оқимнинг жонли кесим юзаси;

Юза бўйича сиқилиш коэффициенти ε_{np} ни аниқлаш учун экспериментал тадқиқотлар ўтказилди ва график боғланишлар олинди, улар диссертацияда келтирилган. Улардан дамбаларни ўрнатиш бурчаклари $\alpha_d < 90^\circ$ ва $\alpha_d \geq 90^\circ$ ҳолатларида ε_{np} ўзгариши ҳар хиллиги аниқланди ва қуйидаги аналитик ифодалар олинди.

$$\varepsilon_{np} = 1 - 0,1 \cdot \theta_q^{1,15} \cdot \left(1 + \frac{\alpha_d}{180^\circ}\right)^{2,84}, \quad \alpha_d < 90^\circ \quad r^2 = 0,998 \quad (3)$$

$$\varepsilon_{np} = 1 - 0,2 \cdot \theta_q^{1,62} \cdot \left(1 + \frac{\alpha_d}{180^\circ}\right)^{2,59}, \quad \alpha_d \geq 90^\circ \quad r^2 = 0,983 \quad (4)$$

Ҳар бир бурчак катталиги θ_q учун ҳисобланган β_p катталики, А.М.Латышенков томонидан таклиф этилган графикларга қуйилиши,

уларнинг симметрик сиқилиш ҳолати учун қўлланилиши ўринли эканлигини кўрсатди.

Сарфни сақланиш тенгламасидан фойдаланиб, сиқилган кесимдаги оқимнинг максимал тезлигини аниқлаш формуласи олинди:

$$U_{mo} = \frac{U_{p\bar{o}} B_p \bar{h}_{p\bar{o}} + U_{n\bar{o}} B_n \bar{h}_{n\bar{o}} - U_{po} B_p \bar{h}_{po} - U_{no} (B_1 - 0,45\epsilon_1)}{0,45\epsilon_1} \quad (5)$$

$$\text{Бу ерда } \bar{h}_{p\bar{o}} = h_{p\bar{o}}/h_{no} \quad \bar{h}_{n\bar{o}} = h_{n\bar{o}}/h_{no}; \quad \bar{h}_{po} = h_{po}/h_{no};$$

Экспериментал тадқиқот натижаларига кўра 5 ва 2 нурлар вазиятлари турғун бўлиб, мос равишда $C_1=0,23$, $C_2=0,16$, $\epsilon_1 = (C_1 + C_2) \cdot X$ ташкил этишини кўрсатди.

Бундан ташқари диссертацияда B_ϕ , l_ϕ катталикларни аниқлашнинг аналитик боғлиқликлари келтирилган.

А.М.Латышенков томонидан экспериментал усулда исботланган ҳолат, яъни оқим поймадаги кўндаланг дамбалар билан сиқилганда, ўзан ва поймалардаги оқим тезлигини ўсиши пропорционал ўзгариши назарий йўл билан асосланди. Бизда $U_{no}/U_{mo} = 0,54$.

Олинган боғлиқлар тезликнинг бўйлама векторини аниқлаш имконини беради. Ҳолбуки, дамба каллагига (боши) ёнидаги ювилиш чуқурлигини тўғри аниқлаш учун, максимал тезлик ва солиштира сарфларнинг ҳақиқий қийматларини билиш лозим:


$$U'_{mo} = U_{mo} / \cos \varphi = K' \cdot U_{mo} \quad (6)$$

бу ерда φ - тезлик вектори ва ўзан ўқи ўртасидаги бурчак, $K' = 1/\cos \varphi$.

Экспериментал тадқиқотлар тезлик вектори ва ўзан ўқи ўртасидаги бурчак φ га θ_q ва α_d (2-расм) катталиклар таъсир қилишини кўрсатди, бу катталикларни ошиши $\cos \varphi$ қиймати камайишига олиб келади. Сиқилиш зонаси узунлиги бўйлаб ва пойма оқимининг кенглиги бўйлаб $\cos \varphi$ катталиқнинг ошиши кузатилди. Шу билан биргаликда φ нинг абсолют қиймати камайдиган. Олинган графиклар максимал U'_{mo} тезликни ҳисоблашдаги K' катталиқни аниқлаш имкониятини беради.

Тўғридан тўғри ҳисоблашлар кўрсатадики, маҳаллий ювилиш чуқурлиги ўртача тезлик бўйича аниқлашга нисбатан 10 - 30% га катта. Бундан ташқари иншоот каллагига мустаҳкамлаш чегараларини анча асосланган кўринишда аниқлаш имконияти яратилди.

Сиқилиш зонасидаги тезлик майдонини ҳисоблаш услуби, ўзан ва поймадаги бўйлама нишабликларни, кўндаланг йўналишда оқим чуқурликлари ҳар хиллигини, поймадаги ва ўзандаги оқимнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ишлаб чиқилди. Масалани ечишда, сиқилиш зонасида $O-O$ ва $X-X$ кесим(створ)лар учун ёзилган импульсни ва сарфни сақланиш тенгламаларидан фойдаланилди. Уларни интеграллашда интенсив турбулент аралашув зоналарида тезликни таралиш қонунияти Шлихтинг-Абрамович бўйича, ўзан ва поймадаги оқимнинг таъсир зонасида эса таклиф қилинган тенгликлар бўйича қабул қилинди.



2-расм. $\cos \varphi = f(\theta_q, \alpha_d)$ функция графиклари

1,2,3 - $\cos \varphi = f(\theta_q)$;

1 - x $x/l_{cc} = 0$;

2 - ● $x/l_{cc} = 0,2$;

3 - △ $x/l_{cc} = 0,6$;

4 - $\cos \varphi = f(\alpha_d)$;

Сиқилиш зонасида ўзандаги тезликни аниқлаш учун қуйидаги ифода таклиф қилинди.

$$\frac{U_{px}}{U_{po}} = \sqrt{\frac{(\bar{B}_p - \bar{e}_{po}) + \bar{e}^* K_3 + \bar{h}_{no} \bar{e}^* K_4 + \bar{h}_{no} m_{no}^2 \bar{e}_{yao} + \bar{h}_{no} m_{mo}^2 \bar{e}_{lo} F(m_o) - \bar{h}_{nx} m_{mo}^2 T_1 - \frac{0,5T_2}{Fr_{po}}}{\bar{h}_{px} (\bar{B}_p - \bar{e}_{px}) + \bar{h}_{px} \bar{e}^* K_5 + \bar{h}_{nx} \bar{e}^* K_6 + \bar{h}_{nx} m_{nx}^2 (\bar{e}_{yax} + 0,614\bar{e}_{1x})}} \quad (7)$$

Тенгламаларда қуйидаги белгиланишлардан фойдаланилди:

$$T_1 = 0,416\bar{e}_{2x} - 0,386\bar{e}_{1x}$$

$$T_2 = [\bar{B}_p (1 - \bar{h}_{px}^2) + \bar{B}_n (\bar{h}_{no}^2 - \bar{h}_{px}^2)]$$

$$K_3 = \psi_4 + \psi_5 m_{no} + \psi_6 m_{no}^2;$$

$$K_5 = \psi_4 + \psi_5 m_{nx} + \psi_6 m_{nx}^2;$$

$$K_4 = \psi'_4 + \psi'_5 m_{no} + \psi'_6 m_{no}^2;$$

$$K_6 = \psi'_4 + \psi'_5 m_{nx} + \psi'_6 m_{nx}^2;$$

$$\psi_4 = 1,5\bar{e}_p^{-4} - 1,6\bar{e}_p^{-2,5} - 0,727\bar{e}_p^{-5,5} + 0,143\bar{e}_p^{-7} + \bar{e}_p;$$

$$\psi'_4 = 1,5E_2^4 + 0,143E_2^7 - 0,727E_2^{5,5} - 1,6E_2^{2,5} + E_2;$$

$$\psi_5 = 1,6\bar{e}_p^{-2,5} - 2,5\bar{e}_p^{-4} + 1,454\bar{e}_p^{-5,5} - 0,286\bar{e}_p^{-7};$$

$$\psi'_5 = 1,454E_2^{5,5} - 0,286E_2^7 - 2,5E_2^4 - 1,6E_2^{2,5};$$

$$\psi_6 = 0,143\bar{e}_p^{-7} + \bar{e}_p^{-4} - 0,727(\bar{e}_p)^{5,5} - (\bar{e}_p);$$

$$\psi'_6 = 0,143E_2^7 + 0,727E_2^{5,5} + E_2^4 - E_2;$$

$$\bar{B}_p = B_p / \epsilon_0;$$

$$\bar{e}^* = e^* / \epsilon_0;$$

$$\bar{e}_{px} = e_{px} / \epsilon_0;$$

$$\bar{e}_{yax} = e_{yax} / \epsilon_0;$$

$$\bar{B}_n = B_n / \epsilon_0;$$

$$\bar{e}_{1x} = e_{1x} / \epsilon_0;$$

$$\bar{e}_{2x} = e_{2x} / \epsilon_0;$$

$$m_o = U_{no} / U_m;$$

$$m_x = U_{nx} / U_{mx};$$

$$m_{no} = U_{no} / U_{po};$$

$$m_{nx} = U_{nx} / U_{px};$$

$$E_1 = (\bar{e}_p - 1);$$

$$E_2 = (1 - \bar{e}_p);$$

$$F(m_o) = 0,316 + 0,268m_o + 0,416m_o^2;$$

$$F(m_x) = 0,316 + 0,268m_x + 0,416m_x^2;$$

$$\text{бу ерда } Fr_{po} = U_{po}^2 / gh_{po};$$

$$m_{mo} = U_m / U_{po};$$

$$\bar{h}_{no} = h_{no} / h_{po};$$

$$\bar{h}_{px} = h_{px} / h_{po};$$

$$\bar{h}_{nx} = h_{nx} / h_{no};$$

Поймадаги тезликлар эса қуйидаги боғлиқлик ёрдамида аниқланади:

$$A_1 m_{nx}^2 + A_2 m_{nx} + A_3 = 0 \quad (8)$$

бунда $A_1 = D_3 D_4^2 - D_0 D_6^2$; $A_2 = D_4^2 D_2 - 2 D_5 D_6$; $A_3 = D_4^2 D_1 - D_0 D_5^2$.

$$D_0 = \bar{B}_p - \bar{\epsilon}_{po} + \bar{\epsilon}^* K_3 + \bar{h}_{no} \bar{\epsilon}^* K_4 + m_{no}^2 (\bar{h}_{no} \bar{\epsilon}_{yno} + \bar{h}_{no} \bar{\epsilon}_{1o} F(m_o) - 0,416 \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}_{2x} - 0,386 \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}_{1x}) - 0,5 \frac{\bar{B}_p}{Fr_{po}} (1 - \bar{h}_{px}^2) - 0,5 \frac{\bar{B}_n}{Fr_{po}} (\bar{h}_{no}^2 - \bar{h}_{px}^2);$$

$$D_1 = \bar{h}_{px} (\bar{B}_p - \bar{\epsilon}_{px}) + \bar{h}_{px} \bar{\epsilon}^* \psi_4 + \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}^* \psi'_4; \quad D_2 = \bar{h}_{px} \bar{\epsilon}^* \psi_5 + \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}^* \psi'_5;$$

$$D_3 = \bar{h}_{px} \bar{\epsilon}^* \psi_6 + \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}^* \psi'_6 + \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}_{ynx} + 0,614 \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}_{1x};$$

$$D_4 = \bar{B}_p - \bar{\epsilon}_{po} + \bar{\epsilon}^* K_7 + \bar{h}_{no} m_{no} \bar{\epsilon}_{yno} + \bar{h}_{no} m_{mo} \bar{\epsilon}_{1o} (0,45 + 0,55 m_0) - \bar{h}_{nx} m_{mo} (0,45 \bar{\epsilon}_{1x} - 0,55 \bar{\epsilon}_{2x});$$

$$D_5 = \bar{h}_{px} (\bar{B}_p - \bar{\epsilon}_{px}) + \bar{h}_{px} \bar{\epsilon}^* \psi_7 + \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}^* \psi'_7; \quad D_6 = \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}^* \psi_8 + \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}^* \psi'_8 + \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}_{ynx} + 0,55 \bar{h}_{nx} \bar{\epsilon}_{1x};$$


$$K_7 = \psi_7 + \psi_8 m_{no}; \quad \psi_7 = E_1 - 0,8 E_1^{2,5} + 0,25 E_1^4;$$

$$K_8 = \psi'_7 + \psi'_8 m_{no}; \quad \psi_8 = 0,8 E_1^{2,5} - 0,25 E_1^4;$$

$$K_9 = \psi_7 + \psi_8 m_{nx}; \quad \psi'_7 = -\bar{\epsilon}_p - 0,8 (-\bar{\epsilon}_p)^{2,5} + 0,25 (-\bar{\epsilon}_p)^4;$$

$$K_{10} = \psi'_7 + \psi'_8 m_{nx}; \quad \psi'_8 = 0,8 (-\bar{\epsilon}_p)^{2,5} - 0,25 (-\bar{\epsilon}_p)^4;$$

Диссертациянинг тўртинчи боби «Кўндаланг дамбалар билан икки томонлама симметрик сиқилган поймадаги оқимларни ёйилиш зонасидаги назарий тадқиқотлари» деб номланиб, ёйилиш зонаси учун масалалар ечими келтирилган. 3-расмдан кўриниб турибдики, ёйилиш зонасида ҳар хил тезликдаги пойма оқимлари U_{nl} , U_{nn} - мос равишда чап ва ўнг поймалардаги тезликлар шаклланади.



3-расм. Поймадаги кўндаланг дамбалар ортида оқим ёйилиши схемаси ($n_{nl} \neq n_{nn}$ носимметрик ёйилиш)

Уюрма(гирдоб) зоналар узунлиги бир биридан фаркланади, катта ғадир-будурликка эга поймада ёйилиш зонаси узунлиги нисбатан кичик бўлади.

Оқимнинг ўзандаги тезлиги U_p ни, поймадаги тезликлар U_{nl} , U_{nn} ни, тескари оқим тезликлари U_{nl} , U_{nn} ни, таралиш зонаси узунликларини аниқлаш лозим.

Масалани ечиш учун оқимда импульсни сақланиши, сарфни сақланиши қонунини ифодаловчи тенгламалардан ва $K_1 - K_1$ створда $U_{nl} = 0$, $K_2 - K_2$ створда $U_p = U_{pб}$, $U_{nl} = V_{nl}$, $U_{nn} = V_{nn}$ чегаравий шартлардан фойдаланилди.

Ўзандаги тезлик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\frac{U_p}{U_{pc}} = \sqrt{\frac{(0,416\bar{\epsilon}'_c + \bar{\epsilon}'_{ялс})\bar{h}_{nc}m_{nl}^2 - \bar{\epsilon}^* T_3 + \bar{\epsilon}_{яс} + (\bar{\epsilon}''_{ялс} + 0,416\bar{\epsilon}''_c)\bar{h}_{nc}m_{nn}^2 - 0,5\xi T_5}{(0,416\bar{\epsilon}' + \bar{\epsilon}'_{ялс})\bar{h}_{nc}m_{nl}^2 - \bar{\epsilon}^* T_4 + \bar{\epsilon}_{я} + (\bar{\epsilon}''_{ялс} + 0,416\bar{\epsilon}''_c)\bar{h}_{nc}m_{nn}^2}} \quad (9)$$

Бу ерда қуйидаги шартли белгиланишлар қабул қилинди:
